

МАҚОЛЛАРДА ВАРИАНТЛИЛИК.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10383180>

Турдалиева Дилфуза Салоҳиддиновна

PhD, ҚДПИ докторанти.

Аннотация

Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг даврдан-даврга ўтишида юзага келган ўзгаришлар фольклор асарларининг бир неча нусхада тарқалишига ва уларнинг вариантларда акс этишига олиб келишига оид назарий маълумотлар ёритиб берилган. Ҳар бир фольклор асарининг яратилган вақти, тарқалиши ва яшаш шароити мураккаб эканлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий муҳит, тингловчилар аудиторияси, ижодкор ва ижрочи маҳорати билан боғлиқ бўлиши, вариантлилик эса халқ ижодининг тарқалиш доираси, оммавийлиги, халқчиллигини белгилаб бериши ҳақида мисоллар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар

вариант, вариация, синонимия, тур ва жинс, тема ва рема, деннотатив, шакл ва мазмун.

ИЗМЕНЧИВОСТЬ ПОСЛОВИЦ

Аннотация

В данной статье изложены теоретические сведения о возникновении перехода фольклора из одной эпохи в другую, что приводит к возникновению фольклорного произведения в нескольких нишах и отражению пример в изменчивость. Приводятся примеры того, что время создания, открытия и условия существования фольклорной народной музыки очень хорошие, она связана с социально-экономическим обществом, антиутопией слушателей, творчеством и воображением, а творчество определяет масштабы, популярность, и национализм народного искусства.

Ключевые слова

вариант, вариация, синонимия, тип и род, тема и рема, деннотатив, форма и содержание.

VARIATION IN PROVERBS

Annotation

In this article, the theoretical information about the occurrence of the transition of folklore from one era to another, which leads to the occurrence of the folklore asaplap in several nyshas and the reflection of the ylap in the vapiantlap, is explained.

There are examples of the fact that the time of creation, discovery, and living conditions of folkloric folk music are very good, it is related to socio-economic society, dytopia of listeners, creativity and imagination, and creativity determines the scope, popularity, and nationalism of folk art.

Key words

variant, variation, synonymy, type and gender, theme and rheme, denotative, form and content.

Халқ мақолларининг вариантлашувини нутқий, услубий, этник, тарихий каби турларга ажратиш мумкин. Мақоллар вариациясини шу жиҳатдан илмий ўрганиш таълим ва лексикографик амалиёт учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Вариант сўзи *вариация* (лот. *variatio* – “ўзгариш”) сўздан шаклланган, у маълум бир бирликнинг миқдорий модификацион фарқларга эга кўринишларини англатади. Тилдаги вариация ва синонимияни фарқлашда тур ва жинс тушунчаларини ажратишга асосланиш мумкин. Бироқ ўзбек тили луғатларида тур ва жинс изчил фарқланмайди. Масалан, жинс сўзига берилган изоҳларда тур сўзига ишора қилганлигини ҳам кўриш мумкин⁸⁵.

Юқорида айтилганидек, синонимия вариантдан фарқли равишда мустақилликка эга ҳодисани ифодалайди. Омонимия замирида шаклий бир хиллик ва маъновий мустақиллик ётса, синонимияга ҳам шаклий, ҳам маъновий мустақиллик хос. Вариацияда шаклан битталиқ ва номустақил маъновий фарқлиқ – асосий хусусиятдир. Синонимияда эса денотатив бир хиллик устуворлик қилади.

Ҳар бир синоним вариантдан фарқли равишда нисбий алоҳидалиқ, мустақиллик моҳиятига эга. Мақолларга қарайдиган бўлсак, синонимик бирликларда шаклда ҳар-хиллик, маънода яқинлик яққол кўзга ташланиб туради.

⁸⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. — 671 б. – 108-б.

Мақоллардаги вариативлик ва синонимликни фарқлашда, мазмундан ташқари, шаклдаги хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун ифодаловчи таркибидаги бирликларни икки гуруҳга ажратиш керак бўлади: тема ва рема. Тема ва рема ифодаловчисини аниқлашда, албатта, мазмунга асосланилади.

1. *Куч бирликда.*

2. *Бириккан куч – куч, бирикмаган куч – пуч.*

3. *Беш бармоқ йиғилса, мушт бўлар.*

Учала мақол ҳам “аҳиллик” мавзувий гуруҳига мансуб ва уларда умумий “аҳил бўлганлар кучли бўлишади” деган ҳукм ифодаланмоқда. Мақолларда “кучли бўлиш” мазмуний тема бўлса, “аҳиллик” мазмуний ремадир. Бошқача айтганда, кучли бўлиш кераклиги маълум, унинг воситаси эса кўп. Мақолларда улардан фақат битта восита таъкидланган: аҳиллик. Демак, у “янгилик” тусидаги қисмдир. Вариант мақолларда тема қисм бир хил шакл ва мазмунга эга бўлиб (*куч*), рема қисм бир хил умумий мазмунга эга бўлган ҳар хил ифодаловчилардан ташкил топган бўлади (*бирликда, бириккан*). Маънодош мақолларда эса ушбу умумий мазмун сақлангани ҳолда ифодаловчилар (тема ҳам, рема ҳам) бутунлай бошқа-бошқа бўлади: *Беш бармоқ йиғилса, мушт бўлар.*

*Бугдой нонинг бўлмасин,
Бугдой сўзинг бўлсин*

*Бўш тегирмон
гулдирар*

**Маънодош
мақоллар**

*Қуруқ қошиқ
оғиз йиртар*


*Тилингда бўлса болинг,
Қулиб турар иқболинг*




*Тинч элнинг
боғи гуллар*

*Тинчлик
бўлса, эл
кўпаяр*

*Тил – ақл
безаги*

*Тил – ақл
ўлчови*





Вариант ва синоним мақолларни фарқлашда бир неча омиллар монелик қилади.

Хусусан, мақолларнинг серкирралиги ва унинг тилшунослик, адабиётшунослик, этика, этнология, каби турли фан соҳаларининг ўрганиш объекти эканлиги, ҳар бир соҳа унинг муайян қиррасига эътибор қаратганлиги боис улар берган хулосалар ҳам зиддиятли бўлиши табиий ва буни ҳолис идрок этиш учун соҳалар хулосаларига толерантлик билан муносабатда бўлиш талаб қилинади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б. – 108-б.
2. Ўзбек халқ мақоллари. (Тузувчилар: Т.Мирзаев, А.Мусоқулов, В.Саримсоқов) – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2005
3. Умарова, Н. Р., & Турдалиева, Д. С. (2016). SEMANTIC AND STYLISTIC PROPERTIES OF THE UZBEK PROVERBS MADE ON A BASIS RHYTONYMS. *Ученый XXI века*, (7 (20)), 47-50.
4. Турдалиева, Д. С. Художественно-эстетические задачи вариантности народных пословиц.[Электронный ресурс]. *Режим доступа: <http://ilmsarchashmalari.uz/backend/web/uploads/axiv/2019-3.pdf>*/(дата обращения 19.01.2020).
5. Turdalieva, D. S. (2021). Сўзнинг нуткий-тафаккур фаолиятидаги ўрни. *Молодой ученый*, (41), 328-329.
6. Turdalieva, D. (2021). The aesthetic and communicative functions of the language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2235-2238.
7. Турдалиева, Д. С. (2021). Применение языковых возможностей. *Бюллетень науки и практики*, 7(4), 508-511.
8. Turdalieva, D. (2019). Artistic-aesthetic functions of options of folk proverbs. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 8(2), 37-42.
9. TURDALIYEVA, D. (2018). Linguistic opportunity and artistic art. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(3), 79-83.
10. Турдалиева, Д. (2021). АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА МАҚОЛЛАР ГРАДУОНИМИЯСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(5).
11. Турдалиева, Д. С. (2018). ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ, ПРИМЕНЯЕМЫХ В СТИХОТВОРНЫХ ТЕКСТАХ. In *Инновационные подходы в современной науке* (pp. 25-30).

12. Турдалиева, Д. С. (2018). К вопросу о месте народных пословиц в языковой системе. *Вестник науки и образования*, 1(6 (42)), 74-79.
13. Turdalieva, D. S. (2018). Variety of Proverbs in Literary Texts. *European Researcher. Series A*, (9-2), 171-175.
14. Умарова, Н. Р., & Турдалиева, Д. С. (2016). СЕМАНТИЧЕСКИЕ И СТИЛИСТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА УЗБЕКСКИХ ПОСЛОВИЦ СОСТАВЛЕННЫХ НА ОСНОВЕ ФИТОНИМОВ. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, 50.
15. Awel, M. Y., Brar, J. S., Turdalieva, D., Murugesan, B., Nagasubramaniyan, G., Bhatia, R. D., & Naved, M. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*.